



# Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTRISH AGENTLIGI NASHRI

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 20 iyun, 25 (562)-son

Sotuvda narxi erkin

## ЭЛЕКТРОН САВДО-СОТИҚЛАР

хуқуқий тартиботи, тажриба ва муаммолар

**XX асрнинг 90-йилларида компютер технологиялари орқали турли савдо-сотиқларни амалга ошириш мисли кўрилмаган даражада ошди. Компютерда ўз Интернет тармоқларига эга бўлган йирик компаниялар товар ва хизматларини mijozlarga шу йўл билан тақлиф қила бошладилар. Натижада фойдаланувчиларда тармоқ орқали ҳар қандай товарларни сотиб олиш, хизматлардан фойдаланиш имконияти ажудга келди.**

Шу билан биргаликда жаҳон таърибасида илгари кузатилмаган жиний ҳодисалар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу, шубҳасиз, электрон воситалар билан боғлиқ жинийлардир. Ўзбекистон Республикаси Жиний кодексининг бир қанча моддаларида компютер воситалари орқали содир этилган жинийларга нисбатан жазолар белгиланган бўлиб, мазкур кодекснинг 167, 168 ва 169-моддаларида компютер техникаси воситаларида фойдаланиб содир этилган жинийта оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралиши кўрсатилган. Ахборот тармоғидан

рухсатсиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсати бўлган ҳудуддаги тармоқларнинг кўрсатилган, ахборотлар тармоғидан қонунга хилоф равишда маълумотларни қасдан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш (ЖК, 174-модда) каби ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жиний жавобгарлик белгиланган. Бугунги кунга келиб компютер "билимдонлари" томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган бундай ҳолатларнинг олинми оlish ва қонунбузарликларга қарши кураш дунё мута-

хассисларининг асосий вазифасига айланган. Сўнгги йилларда кўплаб давлатларда EDI (Elektronik Data Interchange - электрон маълумотларни алмашиш), электрон почта, Интернет, интранет (компания ичида маълумотлар алмашиш), экстранет (ташқи дунё билан маълумотлар алмашиш) каби электрон савдо-сотиқларни амалга ошириш технологиялари орқали муомалага киришишни хуқуқий тартибга солиш, хатлар, телеграммалар, телефонogramмалар, телетайп-программалар, факслар ёки бошқа ҳужжатларни ўзаро айрибош-лашнинг ҳақиқийлиги ва асл нусхадалигини сақлаш ҳамда турли низолатлари олинми олиш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Америка Қўшма Штатларида "Давлатнинг ички ва халқаро савдо муносабатларида электрон имзолар тўғрисида"ги (2000 йил, 24 январ) қонун, Россия Федерациясида "Рақамли электрон имзолар тўғрисида"ги (2002 йил, 10 январ) ҳамда "Электрон коммер-

циялар тўғрисида"ги қонунлар, Белоруссия Республикасида "Электрон ҳужжатлар тўғрисида"ги (1999 йил, 4 октябр) қонун, Украина Республикасида "Электрон ҳужжатлар ва электрон ҳужжатлар билан муомала қилиш тўғрисида"ги (2001 йил, 21 сентябр) қонун амалга қилинди. Бу давлатлар ўз қонунлари орқали муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилсалар-да, баъзи давлатлар қонун ҳужжатларини қабул қилишга шояшмаётганлар. Чунки улар компютер технологиялари ёрдамида ишларни амалга ошириш функцияларининг доимий ўзгариб туриши оқибатида уни қонун билан тартибга солиш қийинлашиши мумкин деб ҳисоблашмоқда. Юқоридagi каби қонунлар электрон воситалар орқали битимлар, шартномлар тузиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб ололмайдди. Турли хуқуқий тизим шароитида яшавётган давлатлар

(Давоми 2-бетда.)

## "ХАВАР" ҚАНДАЙ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗ?

**Р.ҚОСИМОВ, "Matbuot tarqatuvchi" акциядорлик компанияси Бош директори:**

•Нашр А-3 ўлчамда қолса-да, саҳифалар сонини 8, 12 ва байрамларда 16 гагача кўпайтириш, мажмуа символлари акс этган безакларни киритиш керак.

•Газета ўзбек тилида чиқаргани маъқул, негаки бошқа тилда сўзлашувчиларга ҳам давлат тилини ўрганишга ёрдам беради.

•Хозирдан бир ёки икки саҳифа лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида чоп этилса, токи умумдавлат миқёсида ёппасига ушбу ёзувга ўтгунча тармоқ ходимларида янги ёзувни эгаллашга кўникма ҳосил бўла боради.

•Соҳадан ўзига хос атамаларини, қисқартма сўзлар ва техникавий ибораларни илҳом борица қамайтирган, зарур бўлса изоҳлар берган ҳолда барча газетхонларга ҳам кўтарилган масалалар етиб боришини таъминлаш зарур.

•Тармоқдаги техникавий-иқтисодий муаммолардан ташқари ижтимоий-маърифий масалалар, маийш, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда

Азиз мушгарийлар, Сиз ҳам ўз тақлиф ва мулоҳазаларингизни таҳририятимизга ёзиб юборинг.

тармоқ корхоналаридаги анъанавий хизмат турлари билан бир қаторла қўшимча даромад олиш таърибаси ҳам кўпроқ ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Н.МУМИНОВ, ТАТУ 1-профессори, профессор:** Бизнинг фикримизча "Хабар" газетасида мутахассислардан тортиб оддий почта хизматинигача тушунарли бўлган тилда ифода этилган ахборотлаштиришга оид узлуқсиз мақолалар берилса яхши бўлар эди. Уларнинг асосий мазмуни сифатида куйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- Ахборотнинг ҳаёда тутган ўрни;
- информацион технология келажак;
- ахборот бизнеси;
- қичик ва ўрта бизнесда ахборотнинг аҳамияти;
- консалтинг фирмасини қандай ташкил этиш керак (савол ва жавоб);
- лизинг фирмасини қандай ташкил этиш керак (савол ва жавоб);
- маркетинг фирмасини қандай ташкил этиш керак (савол ва жавоб).

## АЛЛО, ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ ЭШИТАДИ!

BEVOSITA MULOQOT

Маълумки, мамлакатимиз алоқа корхоналарини малакали кадрлар билан таъминлаш асосан республика миқёсида ягона бўлган Тошкент ахборот технологиялари университети зиммасидир. Алоқа тизимининг кундан-кунга ривожланиб бораётгани боис соҳага шу куннинг энг мукаммал технологиялари билан ҳам бемалол тиллаша оладиган мутахассислар сув ва ҳаводек зарурлигини ҳисобга олаёқ, университет олида нақадар масъулиятли вазифа турганини аён бўлади.

**Хўш, университет раҳбарияти ҳамда педагогик жамоати ушбу миссияни қанчалик муваффақиятли тўлиқ билим бериши қай ахвол-да? Университет билан алоқа корхоналари ўртасидаги муносабатлар қандай? Олийгоҳни битириб, ишга келган кадрлар корхоналар раҳбариятини қанчалик таъминлайди? Университетдаги маълум муаммолар нималарни исбот?**

Хуллас, шу каби ва Сизни қизиқтираётган бошқа саволларга жорий йил, 3 июл кuni соат 10.00 дан 13.00 гагача Тошкент ахборот технологиялари университети ректори **Солиқжон Собирович ҚОСИМОВ** 138-64-01 телефони орқали тўғридан-тўғри жавоб беради. Утаймизки, мазкур "Bevosita muloqot" имиз Университет талабалари, абитурientлари ва уларнинг ота-оналарини бефарқ қолдирмайди.

Мақтубларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уй, Тошкент ахборот технологиялари университети ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, "Хабар" таҳририятига йўллагингиз мумкин. Олинган бермоқчи бўлган саволларингиз куйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

144-29-09, 136-36-42 (факс), 35-10-40 (факс).

Электрон почта манзили: **Habar@aci.uz, TUIT@rapk.uz**  
"Bevosita muloqot" да тилга олинган долзарб савол-жавоблар газетамизда чоп этилади.

## ДАВРА СУХБАТИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида жорий йили бўлиб ўтган "СЕВИГ 2003" ахборот технологиялари бўйича халқаро кўргазма ҳамда Марказий ва Шарқий Европа уюшмаси ўзбек-немец иқтисодий симпозиуми" (12-20 март, 2003 й. Ганновер, Германия), "Худудий алоқа ҳамдўстлиги комиссиясининг 8-қўшма йилгилиши ва Электралоқа операторлари кенашининг 12-йилгилиши" (23-24 апрел, 2003 й. Минск, Белоруссия), "KITEL" 2003 - Телекоммуникация ва компютер технологиялари Марказий Осиё халқаро 10-кўргазмаси" юзасидан хизмат сафарлари бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди.

Сафарга бориб қайтганлар ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар, халқаро ҳамкорлик, таъриба алмашиш каби масалалар ҳамда хизмат таасуротлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини қатнашчилар билан ўртоқлашди.

Ўз мухбиримиз

## ПОЛТАЧИЛАР МАЛАКАСINI ОШИРМОҚДА

"Фаргона почтаси" АЖА раҳбарлар ва мутахассисларни ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда маънавиятини юксалтиришга киришилди.

Ўтган йилнинг декабр ойида филиалларнинг алоқа бўлимлари бошлиқлари ва операторларининг малакасини оширувчи доимий ҳаракатдаги ўқув маркази ташкил этилиб, унинг дастури тасдиқланганди. Дастурга биноан акциядорлик жамиятига узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган ходимлар малака ошириш ишларига жалб этилди. Алоҳида ўқув хоналари ажратилиб, тўла жиҳозланди.

Ўқув марказида бугунги кунга қадар 78 нафар алоқа бўлимлари бошлиқлари ўқитилди. Вилоятларда эса 287 нафар алоқа бўлими мавжуд бўлиб, бошлиқларининг малакасини ошириш ишларининг охиригача давом этади. Кейинчалик бошқа мутахассисларни ҳам ўқитиш кўзда тутилмоқда.

Почта алоқаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган эътиҳ ёкиб бормоқда, - дейди биз билан суҳбатда ўқув маркази бошлиғи Яхё Мамадаров. - Ҳар бир ходимнинг касб маҳорати ва муомала маданиятини ошириш билан ишда самаралорликка эришишга ҳаракат қилмоқдамиз. Махсус дастур машғулотлари қўзғилари ҳамда баҳ-мунозаралар шаклида ўтмоқда.

Яқинда тезкор операторларнинг икки кунлик семинари ҳам ўтказилди. Ун саккиз нафар иштироқчи компютер технологияси, автоматик бошқарув бўйича ўқитилди. Ҳар ойда шундай семинарлар ўтказиб туришдан мақсад - почта хизматини замон талаблари даражасига етказишди.

Х.САЛЯХОВА



### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

• 17-18 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов расмий таъриф билан Эрон Ислам Республикасида бўлди.

• Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Зоология институтида Украинадаги Илмий-технологик марказ кўмаги билан очилган Интернет сифининг тақдироти бўлиб ўтди.

### ХОРИЖДА

• БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича агентлиги Ироқ собиқ раёвчаси бинолари мажмуидан мамлакатда яшавётган фаластинлик қочқинларини вақтинча жойлаштириш учун фойдаланиш ниятини билдирди. Агентликнинг Бағдоддаги раҳбари Дениэл Белламининг сўзларига қараганда, агентлик ва халқаро ҳамжамият бу одамларнинг ўз уйларидан яна қувлиб, қочқинларга айланганига асло йўл қўймайди.

• Россия худудида 2004 йил бошларида ракетага қарши мудофиа бўйича Россия-Америка машқларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Маълумки, бундан аввал Россия ва АҚШ ҳарбий мақсамалари шу йил августда ҳамкорликдаги Тинч океани машқларини ўтказишлари борасида келишувга эришганлиги.

• АСЕАН Тинчлик учун Нобел мукофотининг совриндори Аун Сан Су Чини озод қилиш масаласини муҳоама этиш мақсадида Мянмага ўз вакилларини юборишга ҳозирлик кўрмоқда. "Гарчи расман бундай қарор қабул қилинмаган бўлса-да, уни барча ташқи ишлар вазирлари қўллаб-қувватлашди", - дейди Филиппин ташқи ишлар вазирини Блас Олде АСЕАН мамлакатларининг Пномпендада учрашувиди.

• Олимпиада ўйинлари вагани бўлиши қадимий Грекияда қатқавдо (ITF) бўйича тағаллар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати низоҳосига етди. Уч кун давом этган пуфузи мусобақада 86 та давлатдан тўлган энг кучли спортчилар голиблик учун татағима чиқдилар. Бигта олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўла киритган мамлакатимиз вакиллари ушбу беллашуларда умумжамоа ҳисобиди фахрли учинчи ўринни қўла киритишди.

# ЭЛЕКТРОН САВДО-СОТИКЛАР

(Давоми. Аввали 1-бетда.)

муносабатларни ўз имкониятлари ва ижодкорлигини келиб чиқиб тартибга солишди. Хуқуқ назариясига кўра республиканинг ҳуқуқий тизими Романи Герман услубига хос бўлиб, бу тизимда барча муносабатлар ёзма қонулар асосида тартибга солинади. Жумладан, бутунги кунда долзарб ва муҳим бўлиб турган электрон воситалар билан боғлиқ муносабатлар ҳам шу тартибда ҳал этилиши лозим. Қону ижодкорларнинг ақлий шахсияти ва олинган кўра билиш қобилияти юқорида кўрсатиб ўтганимиз каби ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг қилинишидан сақланиди.

Давлатларнинг тараққий этгани маълум маънода электрон воситалар ўша давлатга қанчалик кириб бораётгани ва қўлланаётгани билан ҳам боғлиқдир. Ривожланган хорижий мамлакатларда электрон воситалар, жумладан компютер технологиялари ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолияти бир қанча вақт илгари қўлланила бошланган бўлса, ривожланаётган давлатлар бу технологияларни ўз амалий фаолиятига жалаллик билан жорий этмоқдалар. Мақсад — иқтисодий жиҳатдан бир-бири

билан боғланиб кетган (кириштирилган сармоёлар ва бошқалар билан) давлатлар ўртасида маълумотлар ва битимлар алмашинуви, улар бўйича тез ва ишончли қарорлар қабул қилиш масаласини ижобий ҳал қилишдан иборат.

Электрон воситалар орқали амалга оширилган муносабатларни тартибга солишда (бундай муносабатлар вужудга келганлигига кўп бўлмаган бўлса-да) лозим бўлган қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ қилиш бўйича тажрибалар хориж давлатларида шаклланиб улгурди. Зеро, шу каби муносабатларни тартибга солишда интилаётган давлатлар учун бу жуда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам бундай муносабатларни тартибга солиш учун “Электрон воситалар орқали савдо-сотикларни амалга ошириш тўғрисида”, “Электрон воситалар орқали битимлар ва шартномалар тузиш тўғрисида” каби қонуларни қабул қилиш даври келди. Бундай қонуларнинг қабул қилиниши орқали бутунда этилиб улгурган ижтимоий муносабатларни тизимлаштириш ва қонунийлик доирасига мослаштириш мумкин бўлади.

**Ж.ҚОРАБОЕВ,**  
Агентликнинг I тоифали ҳуқуқий маслаҳатчиси

### НАМКОРЛИК УҚЛАРИ

## АЛОҚА СИФАТИ ЮКСАЛАДИ

Бунга Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити ҳисобига эришилди

Республикамизга 105 миллион АҚШ доллари, Фарғона вилоятига эса салкам 6 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция кириб келди. Ингирма ой мобайнида олиб борилган ишлардан сўнг дунёнинг исталган бурчага билан дарҳол боғланиши мумкин бўлади. Рақамларни териб бўлганингиз ҳамон нароти томон гўшани кўтарай.

Бунинг учун вилоятимиз бўйича аввало 275 километрга оптик толали кабел ётқизиштириш лозим. Бу ишга 365 миллион сўм маблағ сарфланади. Шунингдек, Доимобод теледустияси ускуналарини янгисига алмаштириш учун 335 миллион сўм, Сўх-Чоқдақ Фарғона оралиғига радиорелели қурилма ўрнатиш учун 100 миллион сўм, халқаро телефон алоқалари стандартини замонавийлаштириш учун эса 335 миллион 407 миң сўм маблағ харжланади.

Шундай қилиб, ўтган ҳафтада телекоммуникация тизимини

ривожлантириш борасида хайрли ишга дадил киришилди. Республика “Алоқанвест” акциядорлик жамияти раиси Абдунаби Тоғайлиев вилоятга ташриф буюриб, Доимобод радиотелевизион станциясида ва бошқа объектларда бўлди. “Фарғона Телеком” филиали директори Давлатлари Тошматов, Шаҳарлараро алоқа боғламаси Фарғона водийси бўйича бўлимининг бошлиғи Михаил Қаландаров, пудратчи ташкилот — вилоят алоқа кўчма механизацияланган жамланма бошлиғи Бахтиёр Эгамов, Данғара тумани ҳокими Қўямжон Дадабоев ва алоқа соҳаси фахрийлари қурилиш ишларини тўғри ва пухта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида маслаҳатлашиб олдилар.

**Ҳ.САЛЯХОВА,**  
жамоатчи мухбиримиз

## БИРИНЧИ ТҮР ЯҚУНЛАНДИ

### SPORT

Ўтган ҳафтада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг спорт залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касба уюммаси марказий кўмитасининг кўчма кубоги учун мини футбол (футзал) бўйича ўтказилаётган мусобақанинг Тошкент шаҳар алоқа корхоналари жамоалари ўртасидаги биринчи тур йўналири бўлиб ўтди.

Унда қуйидаги натижалар қайд этилди.

#### Биринчи гуруҳ:

“Ўздуробита” ҚК — “Матбуот тарққувчи” АК — 4:3,  
“Тошкент Телеком” филиали — “ДЭУ Юните” — 6:5.  
Тошкент ахборот технологиялари университети ва Махсус алоқа тармоғи жамоалари ўртасидаги учрашув бошқа кунга қолдирилди.

#### Иккинчи гуруҳ:

“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали — “Алоқабанк” АТБ — 6:2,  
Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази — ТТТС филиали — 8:4.

Давлат фельдшерлик хизмати ва “Ўзбектелеком” АК жамоалари ўртасидаги учрашув бошқа кунга қолдирилди.

Мусобақа ўйинлари ҳафтанинг сешанба (биринчи гуруҳ) ва жума (иккинчи гуруҳ) кунлари соат 16.00 дан 19.00 гача бўлиб ўтади.

Хурмагли футбол ишқибозлари! Қизиқари беллашувларни томоша қилишга марҳамат.

Ўз мухбиримиз

### “ХАВАР”НИНГ ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мақтубларингизни нафақат почта орқали, балки электрон манзилимиз (habar@aci.uz) ёки факс-телефон рақамимиз (136-36-42)га ҳам жўнатишингиз мумкин.

# ҲАММА ГАП ИШОНЧНИ ОҚЛАШДА

*Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳар бир амалга ошириладиган лойиҳаси ва куриш ишларининг қонуни ва меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талаблари асосида олиб борилиши устидан назорат ўрнатиш Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифаларидан биридир.*

Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг (JBIC) имтиёзли кредити ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг иккинчи босқичи бўйича оптик толали кабел магистралининг қурилиши жорий йил, 28 май кунин Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида ўзининг илк қadamларини қўйди. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига улкан аҳамиятга эга бўлган бу магистралнинг қурилиши қадам-бақадам қурувчиларимиз томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Лойиҳанинг бажарилиши республикамиз Президенти И.Каримов ва ҳукумат томонидан алоқачилар олдига қўйилган “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” каби долзарб вазифаларни бажаришга кенг йўл очиб беради.

Республика бўйича жами ётқизиштириш режалаштирилган 2697 км. оптик толали кабел алоқа линиясидан 337 км. узунликдаги қисми Тошкент вилоятининг Анрен, Оҳангарон, Қизилтоғ, Паркент, Янгибозор, Ғазалкент, Чирчиқ, Қибрай, Келес, Зангиота, Янгийўл ва Тўйтепа каби шаҳар ва туманлари ҳудудларидан ўтади.

Режага мувофиқ “Алоқанвест” АЖ пудрат ташкилоти томонидан шу кунга қадар Оҳангаронда — 2739 метр, Тўйтепада — 2130, Қибрайда — 2000, Янгийўлда — 534 метр узунликда траншея қашланиб, Тўйтепада — 4260 ва Янгийўлда — 334 кан/метр асосмент қувурлари ётқизилди.

Узатиш тизимлари ўрнатилиши кўзда тутилган Тўйтепа, Оҳангарон, Анрен, Қизилтоғ, Ғазалкент,

Чирчиқ ҳамда Қибрай телекоммуникациялар бағламларида ажратилган хизмат хоналарини таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатлари талаблари асосида белгиланган топшириш режасига мувофиқ олиб боришмоқда.

Қурувчилар томонидан бажариладиган ишларнинг давлат ва тармоқ стандартлари, қонуни ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари талаблари асосида олиб борилишининг узлуқсиз назорати “Ўзбектелеком” АК “Тошкент Телеком” филиалининг жойларда ишонч билан тайинланган техник кузатувчилари, “ШАК” филиали 1-ШМАТБ бўлинимаси техник кузатувчилари ҳамда ўз навбатида, вилоят Давлат алоқа инспекцияси ходимлари томонидан олиб боришмоқда. Ушбу йўналишда “Ўзбектелеком” АК “Тошкент Телеком” филиали техник кузатувчилар томонидан назоратни сифатли олиб борилишини таъминлаш мақсадида филиалнинг навабдаги техник йиғилиши бўлиб ўтди. Унда амалдаги қурилиш талаб ва меъёрлари мавзусида ўқув дастури ўтказилди.

Юқорида қайд этиб ўтилган ютуқлар билан бир қаторда қурилиш жараёнида баъзи бир камчиликлар ҳам учраб турибди. Мисол учун, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қатнашаётган Salin Financial Services корхонаси томонидан “Алоқанвест” АЖ корхонасига монтаж қилишда зарур бўлган илгаклар билан жиҳозланмаган 24 комплект ностандарт ККС-3 русумидаги кабел қудқуқлари етказиб берилган. Бу эса ўз навбатида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайди. Бундай ҳолинг олдини олиш мақсадида Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан Salin Financial Services корхонаси ва “Алоқанвест” АЖнинг Оҳангарон кўчма механизацияланган колоннасига тегишли кўрсатмалар берилди ҳамда бажарилиши назоратта олинди.

**Ф.УМАРҲУЖАЕВ,**  
Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи

## МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВИ

*Яқинда Агентликнинг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан алоқа корхоналарида фаолият кўрсатаётган стандартлаштириш бўйича иш бошқарувчилари учун ўқув семинари ўтказилди. Уни ФТМТМ Стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Н.Травниа олиб борди.*

Семинарда “Алоқа корхоналарида стандартлаштириш бўйича ишни ташкил этиш”, “Стандартлаштириш бўйича фаолиятни режалаштириш ва аниқлик” каби мавзуларга сўз юритилди. Ўртага ташланган масалалар

юзасидан фикрлар алмашилиб, мазкур йўналиш бўйича корхоналарда олиб бориладиган ишларга баҳо берилди ҳамда келгуси режалар белгиланди олинди. Семинар якунида шундай хулосага келиндики, стандартлаш бўйича ишларни тўғри ташкил қилиш — алоқа хизмати мижозлари қонуний талаби ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш, махсусот ва хизматнинг рақобатбардор бўлиши ҳамда сифат бўйича талаблар бажарилишининг гаровидир.

Шунингдек, бундан аввалроқ Базавий метрологик хизмати мутахассислари томонидан ФТМТМда ўтказилган техник ўқувни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унда бутун республика

бўйлаб жалб қилинган мутахассисга “Оптик толали узатиш тизимининг метрологик таъминоти” мавзусида тушунтиришлар берилди. Машгулотларни Базавий метрологик хизмати бошлиғи Б.Утабоев ва етакчи муҳандис Н.Ким олиб боришди. Тинловчилар замонавий электралоқа тизими техникалари, электрли кабел ва бошқалар ҳақида маълумотлар билан батафсил танишиш имкониятига эга бўдилар. Машгулотлар назарий савол ва жавоблар ҳамда амалий усуллар уйғунлашиб кетгани боис қизиқарили ўтди.

**Р.ФАЙЗУЛЛИН,**  
“ЎзИ” ҚК менежери

## ЭЪЛОН!

Давлат алоқа инспекцияси алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси субъектларининг фаолиятига тааллуқли бўлган, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан тайёрланаётган меъёрий ҳужжатлар лойиҳасининг биринчи тахририни 18 июндан 2 июлгача бўлган муддатга ўзининг [www.gis.uz](http://www.gis.uz) веб-сайти саҳифаларида жойлаштириди.

Билимли ва малакали раҳбар ҳамда мутахассислар соҳада фаолият юритишда зарур бўлган мазкур норматив ҳужжатлар лойиҳаси билан танишиб чиқишга жалб этилади. Ўзинингнинг қимматли вақтинини аямай, сифатли норматив ҳужжатлар тайёрлашнида иштирок этиб, таклиф ва мулоҳазаларинингизни Давлат алоқа инспекциясига юборишингиз мумкин.

Веб-сайтимиз саҳифаларида қуйидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаси жойлаштирилган:

1. I кВгача бўлган кучланишда ишлайдиган узлуқсиз электр таъминот қурилмалари. Умумий техник шартлар.
2. Хизмат талаб этилмайдиган кислотали ёпиқ ҳолда бажариладиган қўроғишли аккумуляторлар. Умумий техник шартлар.
3. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб этиладиган меъёрларни бузилишига йўл қўювчи айрим қурилмалари ва технология учаскчалари ишнинг вақтинчалик тўхтатиш тартиби.
4. Тошкент телекоммуникациясида дастакли ва автоматик тарзда газ билан ўт ўчириш тизимидан фойдаланиш қоидалари.
5. Почта иш қорғозлари. Техник шартлар.
6. Почта номи буюмлар ва тамгалар. Техник шартлар.
7. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг метрологик таъминот ҳолатини текширувдан ўтказиш тартиби.

Маълумоти: 700000, Тошкент шаҳри,  
А.Толстой кўчаси, 1-уй.  
Телефон: 133-04-53, Факс: 133-71-09.  
E-mail: [normativ@gis.uz](mailto:normativ@gis.uz)  
Интернетдаги веб-сайтимиз: [www.gis.uz](http://www.gis.uz)

## ЁНГИНДАН САҚЛАНИНГ!


Поёнтахмининг Юнусобод туманида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 59 та ёнгин солид бўлди, улардан 10 таси очиқ майдонларда ахлат ёқиб оқибатига келиб чиқди. Ёнгинлар натижасида қўрилган молдий зарар 295700 сўмини ташкил этди ва бир киши ҳаётдан қўз юмди.

Ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги қоидаларга риоя қилинишини сўраймиз:

- Турар жой ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудига қуруқ ўт, ахлат ёқиб ва очиқ оловдан фойдаланишга йўл қўйманг;
- ҳудудни бирламчи кимёвий ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланг;
- турар-жой ва ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиб йўлларини ҳар хил ёнғунчи махсусот ёки ахлатлар билан тўсилиб қолшишга йўл қўйманг;
- ёш болаларни уйда қаровсиз қолдирманг. Уларнинг гугурт ёки тез аланга олувчи буюмларини ўйнашларига йўл қўйманг;
- буют, том остида қуруқ хашак ва ўтин, ҳар хил тез алангаланувчи буюмларини сақланг;
- махсус руҳсатсиз қўшимча хона, гараж ва бошқа қуриш ишларини бажариш ман этилади;
- иморатдаги қўшимча қутқариш йўлақлари ва автомобил юрадиган йўлар тўсиб қўйилмасин.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Биз катталар хонадонимизда ва ишхонаимизда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмас, ўзиниз ва фарзандларинингизни, шахшини ва давлат мол-мулкунини ўт боласидан асраб қолган бўламиз. Агарда ёнгин солид рақамга қўнғироқ қилинган ва манзилни тўлиқ айтишини унутманг.

Юнусобод тумани Ёнгин хавфсизлиги бўлими



**TARMOQ USKUNALARI**

**Май** ойи Россияда янги — “Москва шаҳридаги компьютер клублари ва уй тармоқлари Ассоциацияси” ноtijорий ташкилоти тузилгани эълон қилинди. Ассоциация фаолиятининг асосий мақсади замонавий ахборот технологияларини фаол жорий қилиш, москваликларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланишларини

Улар радиодиапазондан фойдаланиш учун махсус рухсатномаларни талаб қилмайди, чунки яқин инфрақизил спектрда ишлайди. Сигнал қисқа тўлқинли нурдан олинади. Тўлқинни аниқлашнинг қарийб иложи йўқ ва бу алоқа каналларининг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлайди.

PAV Net тизими умумий марказдан ахборотларни тўплаш ва алоҳида-алоҳида симсиз оптик алоқа (Free Space Optics — ҳаво-оптик алоқа тизими) ускуналарига узатиш имконини яратди. PAV Net бир вақтнинг ўзига 9600 гача FSO каналларини назорат қилади ҳамда 48 та бошқарув йўналишининг ва 50 та ҳар бир йўналишдаги бошқарув объектларини таъминловчи 8 та концентраторлар оқимини бошқаради. Мазкур тизим

мўтадилликнинг йўқолиши барча компанияларга таъсир қилади ҳамда улар ўртасидаги рақобат (биринчи ўринда нарх бўйича)ни кучайтиради. Иккинчидан, АҚШ компаниялари Россия ва Ҳиндистон дастурчиларининг эркинлигини яхши тушунади ва меҳнат нархини туширишга ҳаракат қилади. Бу эса табиий равишда кичик компанияларни инқирозга олиб келади.

**КОМПЮТЕРЛАР**

**IBM** компанияси май ойида ўзининг бугунги кунда энг кучли — zSeries оиласига мансуб сўнги моделини тақдим этди. “Талабга қараб” (On Demand) стратегияси доирасида IBM тикзорий мижозларига юқори ишлаб чиқаришга эга ресурсларининг алоҳида ресурсларидан фойдаланишни тақдиф қилмоқда.

Янги Мейнфреймнинг расмий номи IBM eSeries zSeries 990, кодли номи эса Т-Rex, “Тираннозавр” (Tyrannosaurus rex)дир. Сервер

**ИНТЕРНЕТ ВА АКТ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

таъминлаш учун Москва шаҳри ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, умумроссия, худудий ва маҳаллий аудиторияга мўлжалланган оммавий ахборотларни бевосита тайёрлаш ва тарқатиш, Ассоциация аъзолари фаолиятини йўналтириш, шунингдек, уларнинг самарали алоқа тизими соҳасидаги умумий қизиқишларини ҳимоя қилишдан иборат. Мазкур вазибаларнинг амалга оширилиши пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига кенг қамровли замонавий ахборот-коммуникация хизматларини тақдиф қилиш масаласини ҳал қилади. Ассоциация аъзолари томонидан эълон қилинган мақсадларни амалга ошириш учун Москвада зарурий тармоқ инфратузилмаси мазкур У қуйидагиларни ўз ичига олган:

— Оптик толали тармоқнинг юқори тезликдаги каналлари базасидан ўрин олган бир неча магистрал кенг қамровли мульти-сервис маълумотлар узатиш тармоғи. Уларнинг энг йириги Москва оптик толали тармоғи (MOTT) бўлиб, унинг кабел линиялари умумий узунлиги 10 минг км дан ортиқ;

— қарийб барча хонадонларга кириб борган (асосан “Мостелеком” ОАЖ тармоғи) телевизион боғланиш тармоқлари;

— махсус боғланиш тармоқлари (телефония, радиоалоқа).

Уй тармоқларининг бошқичма-бошқич ривожланиши кўпгина муаммоларни қисқа муддатда бартараф этишга ёрдам бериши мумкин. Бу эса Москва шаҳри ҳокимлиги ва шаҳар думасининг пойтахтликларни турли хил ахборот хизматлари билан замонавий тарзда таъминлаш мақсадида шаҳар ахборот-коммуникация инфратузилмасининг ривожланган тизимини яратиш бўйича дастурининг ҳал этилишида муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, уй тармоқлари ягона телекоммуникация тизимининг бир бўлагига айланади.

Бундан ташқари юқоридаги масала юзасидан Британиянинг PAV Data Systems компанияси ҳам ўз тақдифини билдирган.

PAV Net — PAV Data Systems компаниясининг Sky Net ва Sky Cell симсиз оптик алоқа ускуналарини бошқариш ва назорат қилиш тизимидир. Симсиз лазер алоқа тизимлари телекоммуникация ва компьютер тармоқларининг жадал ўсиши билан боғлиқ ҳолда тез ривожланмоқда.



ускуналар ишини тўлиқ назорат қилиш ва авария ҳолатини зудлик билан бартараф этиш имконини беради.

**ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ**

**Microsoft** компанияси эркин тарқатилётган ОС Linux билан курашиш учун ўз маҳсулотлари баҳосини арзонлаштиришга тайёрларик қўймоқда. Microsoftнинг тўлиқнон бўйича директори Орландо Айала раҳбарларни жиддий чегирмани амалга оширишга чақирди. Айала ҳар қандай вазиғда ҳам Linuxга имкониятни бой бермаслигини, чегирма натижасида келтириладиган зарарни компания махсус жамағарга ҳисобига тиклаши мумкинлигини таъкидлади. Ҳозирча компания вакиллари бу хабарга батафсил изоҳ беришга шоямил-маяпти.

Сўнгги пайтларда Linux маҳсулотларига қизиқиш кучайиб бораётгани Microsoftни анча қийин аҳволга солиб қўймоқда. Шу билан бирга Америка дастурлаш индустриясида ишсизлик муаммоси кузатишмоқда. Май ойида АҚШнинг Сисей-иктисодий институтини америкалик ишсиз дастурчилар сони рекорд даражага кўтарилгани ҳақидаги маълумотларни чоп этди. Мажбур иқтисодий ҳолат корпорацияларни АТ компаниялари хизматидан воз кечишга ёки булорт-малар сонини камайтиришга мажбур қилмоқда. Буортмачилар анча арзон бўлган Россия, Ҳиндистон, Мексика дастурчилари хизматидан фойдаланишни маълум қўрқмоқдалар. Бироқ бу ҳол кўп ҳам узоқ давом этмайди. Биринчидан, Америка бозори дунёда йирик бозорлардан бири ҳисобланади ва

молиявий сектордаги ва бошқа соҳадаги компанияларга мўлжалланган. Янги IBM eSeries zSeries 990нинг баҳоси 1 млн. АҚШ долларидан бошланади.

Кейинги ойда бозорга чиқариладиган янги z 990 сервери 1200 IBM ходимларининг тўрт йиллик меҳнати маъсулдир. “Тираннозавр”нинг тайёрлашига 1 млрд. АҚШ долларини мижозлар сарфлагани.

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИ**

**British Telecom** йўлдошли компанияси тахминларига кўра, яқин ўн йил ичида Шотландия шаҳарлари устида ҳаво кемалари жойлаштирилади. 2013 йилга бориб Европа осмонда йўлдошли телекоммуникация ускуналари ўрнатилган дирижабллар иш бошлайди. АҚШ ва Канадада воқеалар анча тез ривожланмоқда — Вашингтон компанияларидан бири шу ойнинг ўзидеяқ юқорида таърифланган дирижаблни синовдан ўтказди.

Мазкур ҳаво кемалари йўлдошга қараганда анча қулай деб таъкидланмоқда. Маълумки, йўлдошлар 1-1,5 йилда тайёрланади. Коинотда у қарийб 10-15 йил давомида фаолият кўрсатади. Шу вақт ичида ускуналарнинг асосий қисми эскиради. Дирижабллар эса бошдан охиригача янги аппаратуралар билан таъминланади ва йўлдошдан фарқи ўлароқ унинг ускуналарини янгилаб туриш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳаво кемасини учуришга кетадиган маблағ йўлдошни коинотга чиқаришга сарфланадиган маблағнинг бир қисмигагина тенг бўлиши кутилмоқда. Бироқ ушбу технологияни жорий қилишда ҳам қатор муаммолар мажбур. Сарф-харажатларни қоллаштириш учун ҳаво кемаси ўз имкониятларини телекоммуникация провайдерларига кўрсатиши лозим. Шунингдек, мазкур қурилмаларнинг ҳавода баъзи йўлдошлар билан тўқнашиш эҳтимоли ҳам бор. Хуллас, бу борада ҳали ечилиши зарур бўлган вазибалар талайгина.

\* Ахборот-коммуникация технологиялари

“UzInfoCom” маркази материаллари асосида тайёрланди




**ЙЎҚОЛГАН МАКТУБЛАР**

**Буюк Британияда** ҳафта мобайнида деярли ярим миллион почта жўнатмалари йўқоқлар ёки туриб қолар экан.

Қироллик почта алоқаси вакилларининг баён қилишича, бунга сабаб энг аввало хат жўнатувчилар ўз манзилларини аниқ ёзмаслиқлари ва бу ҳолни тўғрилашга ваъда бериш билангина чекланиб қолишлари экан. Бунақа аҳмоқона статистика юз бермаслиги учун энг аввало ходимларни яхшилаб тайёрлаш ва замонавий ускуналарни татбиқ этиш зарур. Компания бошлиғи Мик Линселлнинг тан олиб айтишича, почта янада яхшироқ

ишлаши лозим. “Шу билан бирга, — дейди у, — 20 миллиондан зиёд мактублар, хатжилдлар ва жўнатмаларнинг



йўқолиши ёки етказиб беришдаги тўтилиб қолиши, ишлов бериладиган почта жўнатмаларининг бор-йўғи 0,1 фоизини ташкил этади, холос”.

**ЗАЛВОРЛИ НАТИЖАЛАР**

“Труд” газетасининг хабар беришича, 2002 йил иш якунларига кўра, “Ростелеком” ўз акциядорларига 700 миллион рублдан ортиқ маблағ тўлайди. Дивидендларнинг умумий миқдори 2001 йилга қараганда қарийб 90 фоизга ошган. Оддий акцияларга тўлов миқдори 400 миллион рублга яқин — компания соф фойдасининг қарийб 13 фоизини ташкил қилади. Имтиёзли акция эгалари ҳиссасига эса 300 миллион рублдан ортиқроқ — “Ростелеком” даромадининг 10 фоизи тўғри келади.

Ўтган йилнинг энг муҳим воқеаларидан бири компаниянинг худудий қайта ташкил этилишининг якунланиши бўлди. Ҳозирда “Ростелеком” таркибида аввалги йигирма тўртта филиал ўрнига еттига худудий филиал мавжуд. Натижада компанияларни бошқариш тизими фаоллашиб, самарадорлик ошишига ва “Ростелеком”нинг жаҳон бозорига чиқишига асос

яратилди. “Ростелеком” акцияларининг нархи сўнгги ойнинг ўзига 20 фоизга ўсди.

Ўтган йили “Москва-Санкт-Петербург”, “Москва-Новоросийск”, “Москва-Новосибирск” йўналишларидаги замонавий оптик толали алоқа линияларини модернизациялаш ва қуриш учун йирик миқдорда сармоа ажратилди. Бундан ташқари, Россия эндиликда Қозғоистон билан оптик толали линиялар орқали боғланган. “Россия-Озарбойжон” оптик толали линияси қурилиши ҳам ўтган йилнинг ноябрида бошланганди ва ҳозирда якунланиш арафасида.

Жорий йил компания ўз капитал кўйилмалари миқдорини 2002 йилга нисбатан 2,4 бараварга — 170 миллион АҚШ долларигагача оширади. Маблағ, асосан, оптик толали алоқа линиялари қурилишини давом эттириш ва самарадорликни ошириш учун тармоқ захиралари тизимини яратишга ажратилади.

**MICROSOFTNING ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ**

**Microsoft** корпорацияси яқин орада Руминиянинг ГКАД компаниясидан компьютер вируслари технологиясини сотиб олишини ва бу йўналишда узоқ муддатга мўлжалланган бизнес бошлашини маълум қилди. Корпорация вице-президенти Майк Нэшининг айтишича, бу тадбирнинг бошланишига туртки бўлган муҳим сабаблардан бири — бугун бугун дунё бўйлаб тарқалган юз миллионлаб иштемолчилар фойдаланяётган Windows операцион тизимини ҳимоялаш эҳтиёжидир. Йирик антивирус дастурлари ишлаб



чиқарувчилар, жумладан, Нетворк ва Сьюмантек компаниялари Microsoftнинг бу соҳага кириб келишидан хавфсиз-рамоқдалар. Чунки шу кунга қадар мазкур йўналишда айнан улар устунлиқни эгаллаб келишяётган эдилар.

**ИТЛАР УЧУН МОБИЛНИК**



Финляндия аҳолиси энг кўп мобил телефонига эга бўлган давлатлар орасида

дастлабки ўринлардан бирида туради. Яқиндан бошлаб уяли алоқа компаниялари този итлар учун мўлжалланган махсус ускунани ишлаб чиқармоқчи. Агар ов вақтида жонивор эгасидан анча узоқлашиб кетса, у ити билан боғланиб, турган жойини аниқлаш ва унга қайтиш ҳақида бўйруқ бериши мумкин бўлар экан.

Internetdan olindi

# СИМОНЕТТА - ИАҲОМ ПАРИСИ

**СИМОНЕТТА ўз даврининг энг машхур аёлларидан бири бўлиб, унга абадий соҳибжамол бўлиш бахти насиб этганди. Ривоятларга кўра, Генуялик бой савдогарнинг бу қизи севги маъбудаси Венера куруқликка чиққан жойда - Порто-Венеграда тугилганди.**

Флоренциядаги Медичилар қасри улкан ва ҳашаматли эди. Марко Веспуччи атрофига ҳасад билан аланлаганча оқ мрамар зинадан кўтарилар экан, амакивачасидан қизиқсиниб сўради:

— Америго, нима деб ўйлайсан, девордаги мана булар қанча тураркин? Бу деворларни безатиш учун қанча оғин кетдикин?

Америго Веспуччи юзини тириштирди. У Медичилар оиласини нафақат Флоренция ҳукмдори, балки ўз ҳаётининг ҳам бир бўлаги деб билишга кўникканди. Ахир у сарой посбонлари сафида турар, ака-ука Медичиларнинг иккаси билан ҳам иноқ эди. Шунинг учун ҳам амакивачасининг ҳасад ва қизиқсиниши унга ёқмади. Уку аслида сираям амакивачасини саройга олиб келивди...

Бир ой ишлари Марко Генуялик ёшгина хотини билан бирга келди. Шунда 16 ёшли Симонетта қаршида Америго ожиз қолди. Соҳибжамол улкан қасрга олиб боришни жуда қаттиқ илтимос қилди. 25 ёшида семирб кетган бесўнақай Марко бу гўзалнинг қалбини қандай забт этдикин?

... Меҳмонлар жамулжам бўлган хона худди асарларнинг унсидай гулбардан. Америго Симонетта ва Марконинг эргаштириб, меҳмонлар оралб бема эгаси томон йўл олди. Лоренцо Медичи ҳам уларнинг келатганини кўриб турарди. У кимнингдир шарофига берилган зийфатларни унчалик ёқтирмас-да, Америго билан дўстлиги хурмати учун ихчамгина маъруза ҳам тайёрлаб қўйган эди. Марко билан хотини тўғас билан тазьим қилишди. Лоренцо эса тайёрлаб қўйган ҳамма сўзларини унутди-қўйди. У худди тилдан қолгандек Марконинг ёш хотинига тикилиб, анграйиб қолди. Ҳар томонга сочилган тилларанг сочлари, куланиши оғин заррачалар сариб кетаётгандек туюлувчи шахло кўзлари, чақалоқникидек текис пешонаси ва гунҷалек лаблари уни мафтун этди. Эй, Танграм! У худди Мадоннага ёки ёш маъбудлага ўхшайди. Йигирма ёшли Лоренцо илк бор ўзининг хунуқлиги ва бўйи паслигидан ачиниб кетди. Бунинг устига ўлим

тўшагида ётган отасини юпатиш учун шу йилнинг бошида ўйланб ҳам олганди. Оҳ, бу соҳибжамол нега илгарироқ Флоренцияга келмайдикин? Лоренцо секин ўрнидан турди. "Менинг қасримга тағриф буюрганнингиздан хурсандман, монна Симонетта!" — деди у ва тўсатдан Симонеттанинг ўзига қарамаётганини сездди. Лоренцо ортга ўтирилди. Орқда улкан юмшоқ курси панасида укаси — 16 ёшли алпқомат Жулиано турарди...

Медичининг зарҳал ҳарфлар билан ёзилган наватдаги таклифномасини очган Марконинг боши осмонга етди. Симонеттага ўйланб янглишмаган экан! Хотинининг гўзаллиги сепидан кўра ҳам кўпроқ наф берипти. Энди ҳар кунни кечкўрун Марко ўйига совғасаломсиз қайтмасди — гоҳ олтин қандах, гоҳ олмос қашалган тўқа ёки денгиз ортидан келтирилган зираворлар... Тўғри, бундан Медичининг банкирлари камбағаллашиб, қолишмайди. Аммо уларнинг хазинаси қамаетганини ҳис эттиш яқинида. Симонеттанинг ўзига ҳам совға-саломлар — атирлар, тақинчоқлар, қўйлак учун газламалар олиб келинади. Бироқ тентак қизни сира тўшуниб бўлмайди: ҳамма қимматбахо буюмлардан кўра шерь ёзилиб, атир сепилган қорғочаларни афзал кўради. Ҳатто ёшига нисбатан анчагина жишйил бўлган Лоренцо ҳам кутилмаганда шерь ёзишга муқкасидан кетди. Симонеттани кўрганида эса бир хўрсиниб кўри, хушомад қилишга тушар эди. Кенжтой Жулиано ҳақида-ку гапирининг ҳам ҳождати йўқ! Иллари у бекорчиқўжа бўлиб, қўнгулушликдан бушамасди. Энди бўлса санъатта ошно бўлди қўйди. Атрофига шоирлар, мусиқачилар, мусавирлар, файласуфларни йнги. Ҳатто унинг бетайин ошналари ҳам ўзларига бир олам иқтидорни қашф эттишди.

Мусалласа ишқибозлиги учун бўлса керак, "Бочкача" деб лақаб олган Сандро Боттичелли эса беккёс гўзал суратлар чизяпти. Бу бекорчиқўжалар ўзларини "Медичи бонидан сайёҳлар" деб аташар ва Жулианонинг ҳомийлиги остида даври-даврон суришар эди. Энг қизиғи, уларнинг барчаси ўз ижодини Симонеттага бағишлай

бошлашди. Унинг шарофига ҳатто риварлик турнирлари ҳам уюштирилганди бўлди...

Баҳор либосига бурканган хиёбонда Симонетта кафтини кўзи



устига тутиб, қўёш нуридан тўсди. Эҳтимол, у Лоренцо Медичининг тикилиб турганидан шундай қилганми? Унинг қора кўзларида шундай ишқ аке этардики, қиз бундан ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. Симонетта ҳам муҳаббат билан лиммо-лим нигоҳини сездириб қўйишдан ҳафсирарди. Кеча у тунни Жулиано билан ўтказди. Симонетта энди ўз гуйгуларини жиловлый олмас, Жулиано ҳам бунга қодир эмас эди.

Очилини айтганда, "Медичи бонидан сайёҳлар"нинг ҳаммаси ҳам муҳаббат ёшида бўлиб, улар Симонеттага ошқу бекорор эдилар. Жулианонинг суратини чизган 30 ёшли мусавир Сандро Боттичелли ҳам уни севарди. 1476 йилнинг январия Жулиано буюртмасига кўра, у Симонеттанинг портретини чиза бошлади. Соҳибжамол Симонетта мусавирни кичик Медичининг қасрида кутуб олди. Суратни чизиб давомиди Симонетта бирганига ўзини ёмон ҳис қила бошлади. У қаттиқ йўталиб, ўзидан қўйди...

Бир ҳафтадан сўнг Симонеттага сий билан оғриган деган ташҳис қўйилди. Қўрқиб кетган Америго Марконинг қайтишини кулмасдан, амакивачасининг хотинини денгиз бўйига олиб борди. Жулиано одоб юзасидан Флоренцияга қолган бўлса-да, ҳар кунни чопар жўнатиб севгилисининг ҳолдан хабардор бўлиб турди. 1476 йил, 26 апрелда Симонетта Веспуччи вафот этди. Унинг портрети тугулланмай қолди.

## TARIX

Бу шумхабарни эшитган Лоренцо ўйи томон ошқиди. Опини ҳар қанча чоптирмасин дафн маросимига етиб келолмади. Жулиано ўз қасрига беркиниб олиб, бир неча кун ўқириб йилгали. Симонетта учун бутун Флоренция аза тудди. Марко Веспуччи эса бир ойдан сўнг... бошқасига ўйланди.

Жулиано таниб бўлмас даражада ўзағриб, одамови ва камгап бўлиб қолди. Ибодатга берилиб, яратқандан ўзини тезроқ Симонеттанинг олдиға жўнатишни сўрарди. Унинг оху зори яратқанди етиб борди шеклилли роппа-роса икки йилдан сўнг 1478 йилнинг 26 апрелида Флоренциядаги Санта Мария дель Форе ибодатхонасидаги диний байрам пайтида исён бошлади.

Пацци оиласи Медичи оиласини тахдан кулатмоқчи бўлди. Бу ҳавфни биринчи бўлиб Жулиано пайқалди. У қўлларини кент ёзиб, исёнчилар томон юрди. Жулиано бу ҳаракати билан уларнинг газабини ошматмоқчидек эди. Бироқ ўнлаб ханжарлар унинг танасига санчишди. Жулиано ҳатто қиқчиришга ҳам улгурмади. Лоренцо эса буйнидан ярашди. Флоренция яна мотамга чўмди. Эл-юрт ўқтам Жулианога ачиниб кўз ёш тўқди. Ахир у эндигина 25 ёшга тўлганди, холос...

Бир-бирига талпинган ошқу юраклар Жулиано ва Симонетта. Улар доимо бирга бўлишни исташарди. Бироқ уларга бундай бахт насиб этмади... Мусавир Сандро Боттичелли уларнинг яхлит ҳолдаги портретини чизди.

**Ўйғониш даврининг буюк мусавири Сандро Боттичелли (1445-1510) Симонеттанинг вафотидан сўнг 34 йил яшайди. 1510 йилнинг 17 майида амалга ошмаган севгиси — Симонетта Веспуччининг ёшига дафн этилди.**

**Америго Веспуччи (1454-1512) Медичининг денгиз савдоси бўйича топшириқини бажариш учун 1491 йили Севильга ўзлаб кетайди. 1499 йили Испаниядан қичиб, сайёҳатга отланади ва номаълум ерини кашф этмадики, кейинчалик у ери унинг номи билан аташади. Бу ҳозирги Америка қитъасидир. Аммо айтишларича, Америго бу жойни Симонеттанинг илоҳий ҳомийси шарофига Сан-Симона деб аташни орту қилган экан.**

**Лоренцо Медичи (1449-1492)га бежиз "Багрикенг ишон" деб лақаб берилмаганди. Флоренцияда у ҳукмронлик қилган даврда фаровонлик ва тўқибчиликнинг олтин даври бошланганди. Лоренцо ҳомийлик қилган мусавирлар — Рафаэл, Леонардо да Винчи ва Микеланджело унинг номини тарих заррақларига муҳраб қўйишди.**

ИАҲМЕДОВ тайёрлади

## МАШХУРЛАР ҲАЁТИДАН

Чўнтагида қақаси ҳам бўлмаган Ўйғониш даврининг улғу рассоми **Рафаэл Санти** бир кун ошхонага кирибди. Тушлик ҳақини тўлашни кўп ўйлаб ўтирмай, бочкачининг қопқоғини олибди-да, унга кўчада бола кўтариб ўтирган аёл расминини чизибди ва асарни тушликнинг ҳақи учун бериб юборибди.

Ҳозирги кунда тасвирий санъатнинг бу добб асари — "Мадонна белла Седия" Италия музейларидан бирини безаб турибди.

\*\*\*

**Фонвизин** ўзининг "Норасида" ("Думбул бой-вачча") асари қахрамони Митрофанушкини айнан ҳаётдан олган экан. У Оленинларнинг ўғли Алексей экан.

Айтишларича, ўзини саҳнада кўрган Алексей иштироб чеккан ва бекор юзирни ташлаган, барвақт уйланишни ҳам орқага суриб, ўз устида ишлай бошлаган ҳамда орадан анча вақт ўтгач маърифатли одам бўлиб етишган. Кейинчалик эса у Петербург оммавий кутубхонасининг директори, Бадий Академиянинг президенти бўлган ва кўпгина илмий ишлар ёган экан.

\*\*\*

Ўтган асрнинг ўрталарида Парижда оперетталар ёзиб кун кўрадиган бошловчи адабиётчи йиртиқ-ямоқ қўйлақда юриб, онасига: "Сизни бағоят эъозловчи узун бурун" ... деб имзо чекканча хат ёзар экан.

Бу камбағал ҳамда ҳазилкаш киши бўлажак фантаст ёзувчи ва олим **Жюль Верн** эди.

\*\*\*

Қадимий юнонларнинг машхур масалчаси **Эзоп** кулларча ҳаёт кечирган. Бир кунни хўжаси уни майда-чўйда олиб келиш учун шаҳарга юборибди. Йўлда унга бир судя учраб, ундан: — Қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди.

— Билмайман, — жавоб қилибди унга Эзоп. Унинг бу жавоби судяга ёқмабди-да, дарҳол Эзопни тутиб, қамашга юборибди. — Мен сизга тўғриси айтмадимми, жаноблари — Дебди Эзоп шунда. — Ҳақиқатдан ҳам ўзининг қамоққа кетаётганини энди билдим.

Унинг бу сўзларига судя беихтиёр кулимсирабди-да, озод қилишни буюрибди.

**Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган**

## АНТИҚА ҚОНУНЛАР

- Калифорния штатидаги Чико шаҳрида ядро куралини портлатган шахсга 500 доллар жарима солинади.
- Вермонтда сув остида хуштак чалиш ман этилган.
- Флорида штатида кун давомида учта ликоп синдирган уй бекалари қонунга мувофиқ жазоланадилар.
- Миннесото штатида яланғоч ҳолда ухлаганлар қамоққа олинадилар.
- Юрек шаҳрида (Иллинойс) мўйловли кишилар аёлларни ўпиши мумкин эмас.

Газетамизнинг жорий йил, 23-сонда чоп этилган бошқотирма жавоби:

**ЭНИГА:** 5. Турғай. 7. Теннис. 10. Бўйин. 11. Кийик. 12. Атмосфера. 15. Поэзия. 18. Арагат. 19. Пифагор. 20. Сингапур. 21. Космосой. 24. Зиравор. 26. Панама. 27. "Индаба". 31. Индонезия. 33. Анжир. 34. Айрон. 35. Фурақт. 36. Булбўл.

**БҮЙИГА:** 1. Қўшиш. 2. Каратэ. 3. Гепард. 4. Тийин. 6. Христиан. 8. Мўйноқ. 9. "Диёнат". 13. Килограмм. 14. Аргентина. 16. Лимузин. 17. Водорол. 22. Наманган. 23. Мадина. 25. Ободон. 28. Ананас. 29. Тинтув. 30. Битум. 32. Уйғун.

## ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ

Барча ўғриллар ичда энг ёмони аҳмоқлардир: улар ҳам вақтини ўғирлайдилар, ҳам кайфиятини.

Жанжаллашаётган одамнинг қайси бири ақилроқ бўлса — айбдор ўша.

Фельд-атвор ўз наватида фельд-атворни яратмади.

Кимки чет тилларни билмас экан, ўз тили ҳақида ҳам ҳеч нарсани билмайди.

Ҳар бир одам ўзи тушунган нарсанигина эшитмади. Одамнинг хулқ-атвори қайси нарсага кулгили деб қарашда тўла намён бўлади. Янги ҳақиқат учун энг зарарли тўғаноқ — эски янглишчилардир.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва абадкорлаштириш агентлиги  
Бош муҳаррир:  
**Орифжон МУХАММАДЖОНОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шодмон ОТАБЕК,  
Иззат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),  
Алишер ХУҲАЕВ,  
Шўхрат ЖАББОР,  
Миршўхрат МИРЗО,  
Рустам ҚОСИМОВ

Маъзилми: 700000, Тошкент-35,  
А.Толстой кўчаси, 1-уй.  
Тел.: 136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42  
**Nabar@sci.uz**  
Индекс: 64600  
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0001 рақам билан рўқбат олинган.  
Газета тарқатириш қўмитаси базасида терилди ва саҳифаланди.  
Матн тўғриси: Д.МАТКУРБОНОВА  
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАБОНОВА  
Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00

Буюртма № Г-514.  
8970 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.  
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТЕАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.  
Маъзилми: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.